

Беш йилликни мугдатиган илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ БУНЁДКОРЛИК КУЧИ

НОРАК (Тожикистон ССР), 28
ноябрь. (ТАСС). Норақ ГЭСи қури-
лишида бутун мамлакат қатнашмоқ-
да. Бу ерда Волга ва Днепр, Енисей
ва Ангара соҳилларидан келган гид-
ро иншоотчилар меҳнат қилмоқдалар,
станция учун керакли асбоб-ускуна-
лар барча иттифокдош республика-
ларнинг ўнлаб заводларида тайёр-
ланмоқда.

Бутун Норақда дўстлик митинги
бўлди. Ҳозир бўлган кишилар
КПСС Марказий Комитети Сийёсий
бюросининг аъзоси, СССР Олий
Совети Президиумининг Раиси Н. В.
Подгорнийни қизғин ва сажимий ку-
тиб олдилар. Тожикистон Компартия-
си Марказий Комитетининг Биринчи
секретари Ж. Расулов, Тожикистон
ССР Олий Совети Президиумининг
Раиси М. Холлов, республика Ми-
нистрлар Советининг Раиси Р. На-
биев, тантаналарда қатнашши учун
келган делегацияларнинг раҳбарла-
ри Н. В. Подгорний билан бирга
эди.

Митингда ўртоқ Н. В. Подгорний
нутқ сўзлади.

Республика ўзининг ярим асрлик
юбилейини ва Тожикистон Комму-
нистик партиясининг эллик йиллигини
— шонли тарихий саналарни бай-
рам қилмоқда, деди у. Мен Норақ
қурувчилари ва станцияни иншоотчи-
ларини, республиканинг барча
меҳнаткашларини КПСС Марказий
Комитети, СССР Олий Совети Прези-
диуми, СССР Министрлар Сове-
ти номидан шу шонли воқеа
билан сажимий табриклаш, сизлар-
га партиянинг Марказий Комитети-
нинг Бош секретари ўртоқ Л. И.
Брежневдан қизғин савоб ва энг ях-
ши тиллар билан топшириш билан хур-
саман.

Бунёдкорлик ишларининг мисли-
сиз кўлими ва амислари, совет ки-
шиларининг меҳнатдаги қаҳармонлиги
ҳозир кундалик ишмида бўлиб қол-
ди. Аммо шундай бўлса ҳам бу ер-
да Норақда ана шу умумхалқ қури-
лиш мавзини бевосита сезганди,
режаларнинг кенглиги ва улғувор-
лиги, инсон ақли ва қўли билан
ижод қилинган иншоотнинг улғу-
ворлиги қўйил қолмай иложи
йўқ. Овлоқ қаровон йўлигига ўтган
узок тоғлиқ ўлкада қурилган Норақ
партия сиёсати тантанасининг, со-
циализм буюк бунёдкорлик имони-
ларининг реал рамзи, қиёфаси
ўзгартирилган Тожикистон ерида,
бутун Ўрта Осиёда янги ҳаёт нур-
хонаси бўлиб қолди.

Тожиқлар дидида, деди сўзини
давом эттириб, ўртоқ Н. В. Подгор-
ний ўтган ярим аср мобайнида со-
дир бўлган ўзгаришларнинг теран-
лигини айниқса ўқиб хис қилсан.

НОРАК ГЭСИДА МИТИНГ

киши. Шу 50 йил ҳалқ учун қандай
аҳамиятга молик бўлганлигини, унга
нималар берганлигини, унинг ҳаёти-
да ва минг йиллик тарихида қандай
урин олганлигини кўрсатди, киши.
Ўрта Осиёда ва Қозғистонда соци-
ализм билан бўлган ушбу улкан
ўзгаришларни янгилаб, КПСС Мар-
казий Комитетининг Бош секретари
ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деди:
«Капиталистик дунёда бундан анча
оз ютуқларни кўпича «кўйжиза»
деб атайдилар. Аммо совет Ўрта
Осиёсида, Совет Қозғистонда
рўй берган ўзгаришларни биз, ком-
мунистлар асло ғайри-табиий бир
нарсга деб билмаймиз. Таъбир жоиз
бўлса, буни табиий мўъжиза — Со-
вет ҳокимияти учун, социализм учун,
мамлакатимизда қарор топган халқ-
лар дўстлиги ва қардошлиги муноса-
батлари учун мўъжиза дейиш мум-
кин».

Бошқа иттифокдош республикалар-
нинг юбилейлари каби Совет Тожи-
кистоннинг 50 йиллиги ҳам Совет-
лар мамлакатидан барча меҳнат-
кашларнинг катта байрамлари бўлиб
қолди. Коммунистик партия ленинча
миллий сиёсати тантанасининг ақлоқ
намоёнигига айланди. Тарихин қис-
мадда чинда совет халқларининг
ўзаро ёрдами туфайли барча итти-
фокдош республикалар ва бутун
мамлакат индустриаларида, янги
янги шахарлар қад кўтарди, қишлоқ
хўжалиги социалистик негизга кўчи-
рилди, юқори маҳалли миллий
қарлар тайёрланди, янги ва маде-
ният турли раванг топди.

Халқлар дўстлиги чиники, янги
ҳаёт қуриш учун биргаликда олиб
борилган курашда, буюк социалист-
тик ғалабаларни ҳимоя қилишда қат-
тиқ синовдан ўтди. Эндикда эса
бу дўстлик бутун дунёнинг кўз ўн-
ида бебаҳо бойлик бўлиб, ягона
давлат иттифоқида совет халқлари
самарали ҳамкорлигининг ажойиб
натijasи бўлиб, коммунистик бу-
нёдкорлик йўлида янада улғуворроқ
янги зафарларнинг манбаси бўлиб
намоён бўлмоқда.

Совет халқлари дўстлигининг ҳаёт-
бахш кучи Норақ гидроузели қури-
лишида, бутун энергетика ва ири-
гация комплексини ҳам яққол на-
моён бўлмоқда. Чунки унинг лойи-
ҳасини тузишда, асбоб-ускуналар,
механизмлар ва инвентарлар етказ-
иб беришда мамлакатимиздаги икки
юздан ортик қорхона ва ташкилот
иштирок этмоқда. Улар орасида
Харьков турбина заводи, Урал-
электромаш, Белоруссия автомо-
биль заводи, Запорожье трансфор-

матор заводи ва кўпгина бошқа қор-
хоналар бор.

Бир вақтлар ҳувиллаб ётган бу
тоғлиқ ўлкага мамлакатнинг
турли томонларидан қурувчилар ке-
лишди. Тожиқлар ва руслар, укра-
инлар ва ўзбеклар, белоруслар ва
татарлар, Ватенимиздаги 40 дан
ортиқ миллат ва эллар ақлидан аҳил-
лик билан биргаликда ишлаётган
сизларнинг ажойиб коллективингиз
оз ютуқларни ўртада қардошларча,
чиникан интернационалистик муно-
сабатларини ёрқин намунасиндир.

Совет Тожикистони учун Норақ иш-
чилар ва инженер-техник кадрлар,
айниқса маҳаллий аҳоли орасида
шундай кадрлар тайёрлайдиган ҳақи-
қий макон бўлиб қолди. Собик қў-
лонлар ва деҳқонлар, пахтакорлар
ва тамакикорлар совет гидроиншо-
отчиларининг илғор отряди сафига
қўшилдилар. Бутун улар фот мурак-
каб конструкцияларни монтаж қил-
моқдалар, бетон етказмоқдалар, энг
замонавий техникани бошқармоқда-
лар.

Бундан ярим аср муқаддам, То-
жикистон дидида революция ға-
лаба қозongan пайтда шу олис ўл-
каларга Совет Россияси минг-минг
қўнларга Совет Россияси минг-минг
қўнларга, врачлар, ўқитувчилар,
ни тожиқ халқига ёрдам бериш учун
иборди. Бизнинг шонли Қизил ар-
миямиз Бухоро амирини ва контр-
революцион босмачиларни тор-мор
қилишдаги ўз жасоратлари билан
шўҳрат қозонди. Энди эса сизлар,
Норақ қурувчилари оталарнинг қаҳ-
рамонона эстафетасини давом эти-
риб, электростанция қуриш учун
бу ерга келингиз. Бу электр стан-
ция барча совет халқлари қардош-
лари бирлиги ва жиспслигининг, му-
стаҳкам ҳамкорлигининг яна бир
ишонарли далили бўлиб қолади.

Бутун халқ дўстлигини ҳам То-
жикистон ССР экономикаси ҳам
ийлигининг белгиласи йили мар-
сига ахши натижалар билан етиб
қелмоқда. Мамлакат экономикаси
умуман план топшириқларини му-
ваффақиятли урдаламоқда, қишлоқ
хўжалиги ишлаб чиқаришининг сама-
радорлиги ошмоқда, совет киши-
ларининг фаровонлиги ўсмоқда. Гарчи
бу йил ҳали якунланмаган бўлсада
ҳазирнинг ўзидаёқ айтиш мумкин-
ки, бу йил тўққизинчи беш йиллик
солномаида алоҳида ўрин олади —
мамлакатда кейинги беш йил ичида
самоват ишлаб чиқаришини ўстиришда
энг юксак кўрсаткичга эришилди.

Яқинлашиб қалаётган 1975 йил
беш йиллигини тугаллашди, беш йил-
лик эса янада олға ҳаркят қилиш-

нинг, совет кишиларининг фаровон
ҳаётини таъминлаш йўлида экономи-
кани ривожлантириш, иқтимоий иш-
лаб чиқариш самарадорлигини оши-
риш учун олиб борилаётган умум-
халқ курашининг кўпгина муҳим
вазифаларини ҳал этишининг негизи
бўлиб қолади. Азиз ўртоқлар, шаҳ-
шўба йўқ, сизлар ҳам ўз олдин-
ида турган вазифаларни шараф
билан бажарсанлар — ГЭС иккин-
чи навбатининг икки агрегатини
1976 йилда ишга туширишни таъмин-
лайсанлар, шу тарихи ўқинчи беш
йиллик охиригача гидроузелини ба-
тамом қуриб битказиб, Норақ
ГЭСини тўла қувват билан ишга ту-
ширасанлар.

Планларимиз ва режаларимизнинг
кейингиси, деб таъкидлади нотик,
советлар мамлакатини ташқи сиёсати
муҳим, унинг мустаҳкам демократ-
тик тинчликка, барча улғувор режа-
ларимиз муваффақиятли равишда
амалга оширилишининг энг муҳим
шарти бўлган халқларнинг мустаҳ-
кам амалий ҳамкорлиги тинимсиз
интилишмизни яққол ва ёрқин иф-
далаб турибди. Коммунистик партия,
совет давлати КПСС XXIV съезди иш-
лаб чиққан тинчлик программаси-
ни изчиллик билан амалга ошира
бориб, социалистик ҳамдўстлик ма-
млакатлари билан мустаҳкам иттиф-
қ бўлиб, кейинги йилларда халқро
майдонда каттақатта муваффақият-
ларга эришдилар. Халқро муноса-
батларининг бутун системасини туб-
дан қайта қуришнинг ўз аҳамиятига
қўра тарихий жараёни бошланди.
Қисқинилиш, қашиниш қучуралиб
бормоқда, янги-янги кучлар бу жа-
раёнга қўшилмоқда.

Олдинда турган мақсадлар
буюк ва олийжанобдир, деди пир-
вариди ўртоқ Н. В. Подгорний.
Шу мақсадларга эришни кўнла кўш
меҳнат қилиш, кўпгина ишларни
амалга ошириш лозим бўлади, ал-
батта. Аммо совет халқининг партия
батта. Аммо совет халқининг партия
кўрсатган йўлдан олға қилиётган ҳа-
қиратини битимасдир — бутун жа-
ҳоннинг интилиш мислидек жиспсли,
КПСС ленинча йўлининг тўғрилиги,
барча қардош совет халқларининг
бузилмас дўстлиги бунинг гарови-
дир.

Митингда сўзга чиққан нотиклар
совет кишиларининг бахт-саодати
тўғрисида, ер юзидида тинчлик ҳақида
домий ғамхўрлик қилаётган жона-
жон коммунистик партияга қизғин
миннатдорчилик изҳор этидилар.

Ўртоқ Н. В. Подгорний Норақ
ГЭСини қўздан қикриди, ишчилар
ва мутахассислар билан суҳбатлаш-
ди, энергетикларнинг нафқарон шах-
ри — Норақда бўлди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ, СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Ж. ФОРД БИЛАН УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси,
СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министр-
лар Совети КПСС Марказий Комитети Бош секре-
тари ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1974 йил 23—24
ноябрда Владивосток районидида АҚШ Президенти
Ж. Форд билан учрашувини яқунларини кўриб чи-
қиб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг фаолиятини ва
бўлиб ўтган учрашувининг муҳим сиёсий натижа-
ларини батамом ва тўла-тўқис маълумлайдилар.
Совет-Америка муносабатларини тинч-тотув яшаш
принципи негизидида янада ривожлантириш учун
натта аҳамият насб этувчи бу натижалар халқро
вазиятдаги юмшаниш қулайтиришга, иқтимоий ту-
зуми турлича бўлган давлатлар билан ўзаро ман-
фаатли ҳамкорлиқни кенгайтиришга янги стимул
беради, ялли тинчлигини мустаҳкамлашга кон-
структив ҳисса қўшади.

Учрашув чоғида Совет-Америка муносабатла-
рининг кўпгина туб проблемалари юзасидан ҳар
томонлама ва конструктив фикрлашиб олинди.
1972—1974 йилларда имзоланган ҳужжатларда,
аввало, СССР билан АҚШ ўртасидида ўзаро муно-
сабатларнинг асосларида, ядро урушининг олдинги
олиш тўғрисидаги битимда ва стратегик қурол-
роғларнинг чеклаш соҳасидида баъзи тадбирлар
тўғрисидаги битимларда қайд қилинган ўзаро маж-
буриятларни икки давлат сўзсиз ва тўла ҳақда
амалга оширишга қарор берганлиги янада таъкид-
ланди. Бу эса ҳар икки мамлакат халқларининг
манфаатларини кўзлаб Совет-Америка муносаба-
тларини ривожлантириш йўлидан бундан буён ҳам
олға боришининг асосий заминидир.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси,
СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министр-
лар Совети Совет-Америка муносабатларининг ало-
ҳида муҳим йўналишида, ядро моjarосининг ва
умуман урушнинг келиб чиқишига қарши га-
рантий вужудга келтиришда тараққийёт борлигини
қайд қилидилар.

Стратегик ҳужум қуролроғларини чеклаш тў-
ғрисидаги масала юзасидан Совет-Америка қўшма
байёоти СССР билан АҚШнинг ана шу масала
юзасидан узоқ муддатли битим тузиш
ниятини тасдиқлайди. Томонлар битимни тайёр-
лашни яқин вақт ичида тугаллаш тўғрисида кели-
шиб олдилар, топи у битимни 1975 йилда имзолаш
мумкин бўлсин. Стратегик ҳужум қуролроғлари-
ни чеклаш тўғрисида 1985 йилнинг охиригача
бўлган муддатга мулкаланган ана шу янги битим
томонларнинг тенглиги ва баббаравар ҳавфсизлиги
принципида асосланган тўғрисида келишиб олин-
ганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Амалга оширилиши мустаҳкам тинчлик ва халқ-
лар ҳавфсизлиги йўлида муҳим қадам бўладиган
келишувга эришилганлиги Совет Иттифоқида юк-
сак баҳо берилмоқда.

Ҳар икки томон тинчлик ва ҳавфсизлик мақсадла-
рини кўзлаб, ҳамон ҳал этилмаган, фот кесин,
сиёсий проблемаларни ҳал қилишга қўмаклашишга
Совет-Америка қўшма ахборотида ифодаланган
шайлини амалий ишларга айлантирилиши халқ-
ро кескинлигини юмшатиш йўлида бундан буюн ҳам
олға қараб силжизга ёрдам бериш мумкин. Шу
муносабат билан Европа ҳавфсизлиги ва ҳамкор-
лиги, марказий Европада қуролроғларини ва қу-
ролли қурувчи қисқартириш, ядро қурулини таъ-
қатмаслик, Кипрдаги аҳвол сингари актуал масала-

лар юзасидан олиб бориладиган музокараларнинг
яқунлари алоҳида аҳамият насб этади.

Совет Иттифоқи БМТ ҳавфсизлик кенгашининг
338-резолуцияси асосида Яқин Шарқда шу район-
даги барча халқларнинг шу жумладан Фаластин
халқининг қонуний манфаатларини ҳисоба олиб
ва шу райондаги барча давлатларнинг ҳисобга олиб
йашаш ҳуқуқини ҳурмат қилиб оидлона ва муста-
кам тинчлигининг туб масалаларини ҳал қилишга
қўмаклашиш учун ҳар икки томон бутун куч-гай-
ратини сарфлаш ниятида энгилги тасдиқланганли-
гини муҳим факт деб ҳисоблайди. Яқин Шарқдаги
моjarонини тинч бартараф этишда муҳим роль ўйна-
ши лозим бўлган Женева конференциясининг иши-
ни тезроқ бошлаб юбориш зарурлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ
Л. И. Брежневнинг АҚШ Президенти Ж. Форд бил-
лан биринчи учрашувини Совет-Америка муносаба-
тларини улғусиз олға қараб ривожлантиришни
таъминлашга, бу жараёни муқаррар жараёнига ай-
лантириш нишқининг аниқ эттирди. Бу учрашув
чоғида Совет-Америка муносабатларига шу жумла-
дан, савдо-иқтисодий муносабатларига тааллуқли
бўлган кўпгина масалалар конструктив тарзда
муҳокама қилинди. Владивостокдаги учрашувда
қабул қилинган ҳужжатлар шу соҳада бундан буён
қўйиладиган қадамлар учун яхши негиз вужудга
келтирди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси,
СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министр-
лар Совети КПСС Марказий Комитети Бош секре-
тари билан АҚШ Президентининг олиб борган
сўнги музокаралари натижалари ҳар икки мам-
лакатларимиз халқларининг манфаатларини кўзлаб,
ялли тинчлик манфаатларини кўзлаб СССР билан
АҚШ ўртасидида муносабатларни қулай ривожлан-
тиришни таъминлаш учун юксак даражада Совет-
Америка учрашувларини мунтазам равишда ўтка-
зиб туриш муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигини
қўрсатувчи янги ишонарли далил деб таъкидлайди-
лар.

Жаҳон маббуоти КПСС Марказий Комитети
Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан АҚШ
Президенти Ж. Форд ўртасидидаги учрашувнинг
катта аҳамиятига эга эканлигини таъкидлаб, кенг
ва ижобий фикрлар билдирётганлиги барча мам-
лакатларнинг жамоатчилиги қуруланиш пойгаини
тўхтатишга, урушнинг келиб чиқишига қарши му-
стаҳкам гарантйларни вужудга келтиришга, ялли
тинчлигини мустаҳкамлашга интилаётганлигидан да-
лолат беради.

Совет халқи партиянинг ленинча ташқи сиёса-
тини яқинлиқ билан қўлаб-қувватлаб, Владивос-
ток районидидаги учрашувни КПСС XXIV съезди
ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга оши-
риш йўлида қўйилган янги катта қадам деб ҳи-
соблайди. Совет халқи музокараларнинг яқунлари-
га ва бу ишга КПСС Марказий Комитетининг Бош
секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қўшган ҳиссого
юксак баҳо беради.

СССР тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати-
нинг муваффақиятлари совет халқини беш йиллик
планин бажариш ишида янги зафарларга, комму-
нистик камият қуришда янги ютуқларни кўлга
яритишга руҳлантиришда, мустаҳкам тинчлик ва
халқлар ҳавфсизлиги учун курашда барча тинч-
ликсевар кучларга мадад беради.

ЎРТОҚ

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ
ТОЖИКИСТОНДА
БЎЛИШИ

ДУШАНБЕ, 28 ноябрь.
(ТАСС). Тожикистон ССР ва То-
жикистон Компартияси ташкил
топганлигининг 50 йиллиги та-
таналари муносабати билан рес-
публикага келган КПСС Марказий
Комитети Сийёсий Бюросининг аъ-
зоси, СССР Олий Совети Прези-
диуми Раиси Н. В. Подгорний
бугун В. И. Ленин ҳайкали супа-
сига гулдаста қўйди. Тожикистон
Компартияси Марказий Комитети-
нинг Биринчи секретари Ж. Расу-
лов, Тожикистон ССР Олий Сове-
ти Президиумининг Раиси М. Хо-
лов, республика Министрлар Со-
ветининг Раиси Р. Набиев, юбил-
лей тантаналарида келган итти-
фокдош республикалар, Москва
ва Ленинград делегацияларининг
бошлиқлари ҳам гулдасталар қўй-
дилар.

Республика юбилейи муносабати
билан Душанбеда дўстлик қибосини
барпо этилди. КПСС Марказий
Комитетининг Бош секретари Л. И.
Брежневнинг илтимосига биноан
биринчи кўчат ўтказилди. Ўртоқ
Н. В. Подгорний, республика раҳ-
барлари, делегацияларнинг раҳ-
барлари эсдалик кўчатлари ўтказ-
дилар.

Н. В. Подгорний шу кунди Ду-
шанбе тўқимачилик комбинатига
бориб, деҳқонлар ва ишчиларни
таъиниди, қорхона ишчилари ва му-
тахассислари билан суҳбатлашди.
Ишлаб чиқариш йлгорлари билан
учрашув бўлиб ўтди. Н. В. Под-
горний фахрий меҳмонлар қито-
бига ўз таассуротини ёзиб қол-
дирди.

БУХАРЕСТА ДЎСТЛИК МИТИНГИ

БУХАРЕСТ, 27 ноябрь. (ТАСС).
23 август номли Бухарест машина-
созлик заводининг кўп минг киши-
лик коллективини бутун Совет Иттифо-
қидан келган меҳмонларини—РКП XI
съездида қатнашган КПСС Мар-
казий Комитети Сийёсий Бюроси
аъзоси, КПСС Марказий Комитети
секретари А. П. Кирилленко бошчи-
лигидаги КПСС делегациясини сажим-
ий табриклади.

РКП Марказий Комитети ижроия
комитетининг аъзолари И. Вердец ва
Г. Чоарэ, РКП Марказий Комитети
ижроия комитети аъзолари Ганди-
дат М. Дала, РКП Марказий Комитети
аъзолари Ганди-дат М. Дала, РСРнинг
СССРдаги элчисини Г. Бадрус делега-
ция билан бирга бўлидилар.

Заводнинг бош цехида Руминия—
Совет дўстлигига бағишланган кўп
кишилик митинг бўлиб ўтди.

Митингда сўзга чиққан РКП Мар-
казий Комитети Ижроия Комитети-
нинг аъзоси, РКП Бухарест му-
ниципал комитетининг Биринчи сек-
ретари Г. Чоарэ, президенти С. Шо-
аке, А. Рошу ва Д. Карол ўртоқлар
янги ҳаёт қуриш йўлидан бораётган
румин халқи билан совет халқини
боғлаб турган қалин қардошлик ало-
қалари тўғрисида гапирдилар.

Митингда ўртоқ А. П. Кирилленко
нутқ сўзлади. Ингиллиз аҳли уни
узок давом этган қарсаклар билан
кутиб олди.

У заводни келиб қўришга тақдир
қилганликлари учун сажимий ми-
ннатдорчилик билдирди ва учрашув
қатнашчиларига, улар орқали ишчи-
лар синфи, деҳқонлар ва зибиллар-
га, Руминиянинг ҳамма меҳнаткаш-
ларига КПСС Марказий Комитетидан,
совет коммунистларидан, бутун со-
вет халқидан қизғин савоб топшир-
ди. КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари ўртоқ Л. И. Бреж-
невнинг шахсий илтимосини бажар-
иш, унинг номидан социалистик Ру-
миния халқига бахт-саодат, тинчлик
ва раванг тилашдан, марксизм-ле-

нинизм таълимотиини амалга ошириш
улуғ ишида янги-янги муваффақият-
лар тилашдан мен айниқса хушуд-
ман, деди А. П. Кирилленко.

Ватанингиз тарихида шонли сана-
лар оз эмас, деди нотик. Лекин 23
август алоҳида ўрин эгаллайди. За-
воднигизга ном қилиб қўйилган шу
кун румин халқининг тақдирда туб
ўзгариш ясаб, аслида янги Руминия
тарихини бошлаб берган қундир.
Шонли сана — Руминия фашистлар
астратидан озод этилган куннинг
эътизи йиллигини яқинда сиз билан
бирга, Руминиянинг барча меҳнат-
кашлари билан бирга Совет Иттифо-
қи халқлари, бошқа қардош соци-
ализм мамлакатлари катта байрам си-
фатида тантана билан нишонладилар.

Мамлакат озод этилгандан кейин
ўтган ўттиз йил мобайнида, деб
давом қилди А. П. Кирилленко, Ру-
минияда фот чуккур ўзгаришлар
руй берди. Ҳозир РКП XI съезди
иш кунларида шу ўзгаришларнинг
кўламлари айниқса кўзга яққол таъ-
шланади. Эскича турмуш ўқладини
емириш, индустриалаштириш, қиш-
лоқда социалистик кооперация, ки-
шолар ўртасида принципал янги,
социалистик муносабатлар шаклла-
ниши — шуларнинг ҳаммаси ўз аҳ-
мияти жиҳатидан бутун бир тарихий
дэврга барабардир.

Эришган муваффақиятларингиз ин-
тернационалчилар, сизнинг сажимий
дўстларингиз сифатида бизни қувон-
тириди. Социалистик Руминиянинг
бунёдга келишидан мамлакатлари-
миз халқларининг ҳамкорлиги қа-
дам-қадам ривожланиб бораганили-
ги ҳам кишини фотда мамун қил-
ди.

Халқ ҳокимиятининг дастлабки
кунларида Руминия ишчилар синфи,
деҳқонлари ва ватанпарвар зибилла-
ри янги ҳаёт қуришга киришган
пайтлардаёқ совет халқи уруш вай-
рон қилган сановт қорхоналарини
тиклеш, янги завод ва фабрика-
лар қуришда қардошларча қатнашди.

Бу ерда гап ҳамкорлиқнинг моддий
натижалари тўғрисидагина бораётган-
лини йўқ, биз биргаликда ишлаб, бир-
биримизни билиб бордик, орттирган
тажрибаларимизни баҳам кўрдик,
ўзаро ёрдамнинг қадр-қийматиға
етишим, социалистик муносабат дои-
расидидаги мумкин бўлган интерна-
ционалистик алоқалар қадр-қиймати-
га етишни ўрганиб бордик.

Мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги
ўзаро ҳамкорлик бўлиб келганлиги
ва шундай бўлиб қалаётганлигининг
муҳимлигини муносиб равишда ни-
шонлаймиз. Совет Иттифоқи билан
Руминиянинг кўпгина қорхоналари
ўртасида дўстона алоқалар вужудга
қолди. Мамлакатларимиз муваххис-
лари ва олимлари биргаликда куч-
гайрат кўрсатиб, мена ўнлаб муҳим
илимий-техникавий проблемаларни
ишлаб чиқмоқдалар. Совет-Румин

ТОҶИКИСТОН ССР ВА

ТОҶИКИСТОН КОМ-

ПАРТИЯСИНИНГ 50

ЙИЛЛИГИГА

БУЮК ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

ЯНГИЛАНГАН ЎЛКА

М. ХОЛОВ,

Тоҷикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Халқда йўлни яхшироқ кўрмоқ учун чўққига чиқиш керак, деган гап бор. Тоҷик халқи кейинги 50 йил мобайнида иқтисодий ва маданий тараққиёт мўқдасига буюк-поғона кўтарилиб бормоқда. Бугунги кунда ана шу чўққилардан янги-янги анда тўқилганлиги равшан истиқболлар очилмоқда. Буларнинг ҳаммаси — КПСС Ленинча миллий сиёсатининг самараларидир.

В. И. Ленин миллий давлатни барпо этиш ва уни ривожлантириш Урта Осиё халқлари эконо-микаси ва маданиятини раванг топтиришга, совет халқлари қардошлик иттифоқини мустаҳкамлашга, миллатларро янги алоқа шакллари вужудга келишга, совет халқларининг маънавий-сиёсий бирлиги ва бўзилмас дўстлигига олиб келади, деб башорат қилган эди. Орадан қарийб ярим аср ўтган, КПСС XXIV съезди мамлакатимизда кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи жамияти вужудга келганлиги ва қарор топганлигини таянча билан эълон этганлиги Ленин башорати таянчасининг ёрқин далили бўлди.

Ҳар бир қурилиш, ўзлаштирилган ҳар бир геотар ер, тоҷик халқининг ҳар бир катта ва кичик ютуғи — мамлакат барча қардош республикалари ақли қатнашуви ва ёрдамнинг натижаларидир. Партиянинг олижаноб ва узоқин кўзловчи сиёсати Тоҷикистоннинг, шунингдек Урта Осиёдаги бошқа республикаларнинг қад кўтаришига, раванг топишига ердан берибгина қолмай, шу билан бирга Урта Осиё халқлари билан советлар мамлакатидagi бошқа ҳамма халқлар ва дастлавл, улус рус халқи билан ишчи ва қардошларча дўстлик мустаҳкамлашишига ҳам кўмак берди.

Икки жўшқин дарёлар — Вахш — билан Памил дарёси ўртасида водий бор. Уни неча асрлардан бери ўтиб бўлмаг, шўроқ арлар ва тўқайорлар қоплаганди. Шу дарё соҳилларига Россия Федерацияси, Украина, Ўзбекистон ва Қозғистондан одамлар ҳамда техника ва машина-ускуналар ортган эшелон кела бошлади. Вахш водийси кишилар хизматига қайтарилди. Бугунги кунда водий мамлакатда янгиштириб олинган жамийнлик пахтанинг қарийб 40 процентини берибди.

Тоғлар орасидagi кичик бир Норак қишлоғи Тоҷикистоннинг Шарқини Жануб ва Шимол билан боғловчи йўлда неча асрлар, балки неча минг йиллардан бери тургандир. Бир вақтлар қора чироқ ёқилган жойларда эндиликда электр энэси чақнамоқда. Мамлакатимиз улкан энергетика иншооти — Норак ГЭСининг қуввати 2 миллион 700 киловаттга боради.

Республикада электр энергетикаси ривожланиш билан бирга кўмир, нефть, газ қазиб чиқариш кўпаймоқда. Масалан, 30 йил мобайнида кўмир қазиб чиқариш 32 баравар, нефть қазиб чиқариш қарийб 24 баравар кўпайди.

Электр таъминотининг кўпайиши республика бутун халқ ҳўжалигини тез ривожланишига имкон берди. Саноат ялли маҳсулотининг ҳажми 1924 йилдаги нисбатан 500 баравар кўпайди. 97такида энг оддий рўзгор молларини ҳам четдан келтирган Тоҷикистон бугунги кунда 40 дан ортққ мамлакатга ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Тоҷикистон кишлоқларининг қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди — 26 минг километр масофадаги канал, неча ўн минг километрга борадиган зовурлар, сўнъий денгиз ва бутун-бутун дарёларнинг сувини тепаликларга кўтариб беришчи насос станциялари республика ҳаритасини ўзгартириб юборди. Кейинги ўн йил мобайнида қишлоқ ҳўжалигининг ялли маҳсулоти қарийб икки баравар кўпайди.

Ўтган ярим аср мобайнида социалистик маданий революция амалга оширилди. Ҳозир халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларида, саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, олий ва махсус ўрта маълумотли неча ўн мингтаб кишилар ишламоқда, мажбурий ялли ўрта маълумотга ўтиш муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Тенг ҳўқуқли қардош Совет республикаларининг ятоқа оиласида тенг ҳўқуқли Тоҷикистон ССР ярим асрлик юбилейини ҳўжалик ва маданий қурилишда ажойиб муваффақиятлар билан кўтиб олмақда. КПСС XXIV съездининг Директиваларига биноан Жанубий Тоҷикистон территория — ишлаб чиқариш комплекси барпо этилмоқда. Бу комплекс республика ишлаб чиқариш кўчларини ривож толдиршида янги катта қадам ташлашни таъминлайди. Тоҷикистон алюминий заводи қурилмақда. Елон электр энияи комбинати ишта тушүрилши билан Тоҷикистон Иттифоқда химия саноати энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан олдинги ўринлардан бирига чиқди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида қилган доилдада бундай деган эди: «Капиталистик дунёда озгинагина ютуқларини ҳам кўпичча «мўжиза» деб атайдилар. Ленин Совет Урта Осиёсида... содир бўлган ўзгаришларни, биз коммунистлар асло гайри табиий бир нарсга деб билмаймиз. Таъбир жоийз бўлса, бу табиий мўжиза — Совет ҳўкимияти учун, социализм учун мамлакатимизда қарор топан халқлар дўстлиги ва қардошлиги муносабатлари учун табиий мўжизадир».

Халқимиз янгиланган ўлкамиз эришган ҳамма ютуқлар учун улугъ леиничи Коммунистлар партиясидан, унинг доимо миллий сиёсатидан, СССР халқларининг ҳар бир совет халқи янги-янги зафарлар учун мадад олиб турган қардошларча дўстлигидан миннатдордир.

(ТАСС).

ДОҲИЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

ЛЕНИНОВОД. (Тоҷикистон ССР ТАСС мухбири). Бугун бу ерда Владимир Ильич Ленин ҳайкали тантанали равишда очилди. Шу муносабат билан умумшаҳар митинги бўлди.

Митингга сўзга чиққан Тоҷикистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ж. Расулов таъкидладики, Ленин ҳайкалининг очилиши — халқнинг ўз йўлошчилигига чуқур ҳўрмати ва меҳр-муҳаббатининг тинислидир. Ҳайкалининг очилиши Тоҷикистон ССР ташкил этилганлиги ва Тоҷикистон Компартияси тузилганлигининг 50 йиллиги байрамига тўғри келди. Республиканинг экономика ва маданиятини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари — КПСС ленинча миллий сиёсати самарали натижалар берганлигининг ёрқин далилидир.

Чойшаб туширишгач йнги, лиш аҳли олдида улугъвор ҳайкал намоён бўлади. Баланд шохсупада — йўлбошчининг ўн икки метрли ҳайкали намоён бўлади.

Митинг қатнашчилари ҳайкал супасига гулдасталар қўйдилар. Улар ҳайкал теваришдаги дўстлик ҳибобинда ёдгорлик паридида доимо кўнариб турувчи дарахт қўчатларини ўтказдилар.

Ҳайкал москвалик ҳайалтарош Н. Шчербанов ва архитекторлар И. Гунст, Л. Верховский, В. Беселовскийларнинг лойиҳаси бўйича қурилди.

ДУШАНБЕ СУВИ

Мирзо ТУРСУНЗОДА

Балаид тоғдан оқиб келар Душанбе суви. Чанқоқ дилга жон бағишлар Душанбе суви. Неча асру замонлардан буюн мавж уриб, Эл ёди-ла қуйлаб оқар Душанбе суви.

Тоғ орасини саҳоватли сўнмас кўкси бор. Суви қайнаб, битмас асло, мангу чашмасор. Йўллариға гилам ёзиб яшнар табият, Ерининг кўрку қудратига ҳамранг ҳусни бор.

Катта даштга етгунча у тоғ-тошдан ошар, Дара-тубин тор бағридан отилиб жўшар.

Ҳар қатраси элу юртга етиб боргунча Ениб қанча тусиқларин, жангда беллашар.

Соҳилда бор жойлашган манзилли, маскан, Гул-гул ашнаб бағри эрур бир аниб гўшан, Қўшин бўлиб мен Душанбе дарёси билан, Ўлкам элим қучотида яшайман ҳурсанд.

Ул Душанбе суви билан умрим муқимдир, Диярда ҳаёт мангу, меҳрим муқимдир, Бу дарёга дилин берган мен шоир қаби Бу жаҳонда бошқа борини, Ўл ким муқимдир?

Ленин кўчаси

Боқи РАҲИМЗОДА

Ўт-оташу, ўқ, тутун, тўфон чоғи, Бўлажак шаҳардан тарқалди хабар. Бир кўрмисиз жой — Душанбе қишлоғи. Бўлди тожик элини пойтахти, шаҳар.

Қозиқ қозиқ, кейин таноб тортдилар: — Марказий кўчамиз тикланар бунда! Енг ишмариб ишта жадал ўтдилар. Ленин кўчаси деб номланди шунда.

Четда турган кимдир билдирди гумон. — Бу ер ахир дўнгу, япуру қамшвор, Бу номга ҳеч мос келмайди тош сайхон, Бу фикрдан қайтнинг деган истак бор.

Ҳар томондан эшитилди бир садо: — Ишмиз ҳақ, шунинг қирқоқ билгини, Бу жой яшнаб, гуркирайди доимо, Кўча номин эса эл дейди Ленин!

Ўша вақтдан буюн Ленин кўчаси Шаҳристоннинг бўлди қалбу жаҳонини. Иморатлар қатор, кўркам барваси, Қад кўтариб гулу гулазор ҳар ёни.

Шу кўчадан тожик элини уйига, Кириб келди нурдек дафтару китоб. Шу кўчадан баҳористон меҳридай Олиб келди бахту толе инқилоб.

Шу кўчадан тожик элини дияри Илғич нурларидан бўлди мунаввар. Шу кўчадан тожик элини юрати Бўлди ҳаёт севинчига муассар.


Шу кўчадан Жаҳон Томини устида Ҳилрайди доҳий Ленин байроғи. Шафқат қабл унинг порлоқ нуридан Қўрнадди қадим шаҳрининг ҳар ёни.

Шу кўчадан тожик элини толеи, Тоғлар қаби бўлди юксалиб балаид. Олис-узоқ йўллар бўлди яқинроқ, Москвамиз бўлди дилларга пайванд.

Шу кўчадан дунёга доғ таратди Меҳнаткашта бахт келтириб Октябрь. Шу кўча нур созиб, мангу йўқолди Эл бошига келган азоб, аулму жабр.

Шаҳримизда бўлди кўркам бу кўча Ленин ҳақиқатини ёрқин йўли у. Доҳий фикрини нуруни эмган бу кўча, Ер юзининг истиқболини йўли у.

Биз ҳазимамиз олий маъсад йўлида, Шу йўл билан борамиз олға томон. Нузли билан қўриб эллар қўлида, Шу йўл билан боргай жуялан жаҳон!




СОВЕТ Тоҷикистони пахтакорлари «оқ олтин»дан йил сайини мўл ҳосил этиштирмоқдалар. Совет ҳўкимияти йилларида республикада пахтанинг умумий ҳосили 25 марта ошди. Дехқонларнинг меҳнатини замонавий техника ва серурум машиналар енгиллаштирмоқда. «Оқ олтин»нинг катта қисmini пўлат этакларда териладиган бўлиб қолди. Суратда: Қўлоб области Восе районидagi Ленин номили колхозда машина термини пайти.

Н. Мирзаев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Тоҷикистон алюминий заводи дастлабки металл эритиш арафасида турипти. Суратда: газ тозалаш учинчи блок қурилишида.

Р. Ҳамидов фотоси. ТАСС фотохроникаси.



ДўСТЛАР ДИЁРИГА САФАР

Ғаффор МИРЗО

Тарихии тажрибали борбон ва доғишманд, деб биламиз.

Урта Осиёда, ғарби-шарқнинг катта карвон йўлида жуда қадим замонларда бақувват танали ва кўп илдили бир ҳаётбахш дарехт пайдо бўлган. Унга боғининг икки олма қалъасининг пайванд қилибдилар. У саҳоватманд тананинг ҳаётбахш, оналик меҳри билан бу икки пайванд замонлар ўтиши билан ҳаломчадан новдага, новдадан мевали шохга айланиб, соҳиб соя, соҳиб гул, соҳиб мевано-барг бўлибди. Тонг шобдалари, оташ пурковчи гаримселлар, дўстлар ташрифиди, ажнабий босқинчилар ҳўжумлари, қаптару қахлатлар, зогу-кузунлар ҳар нима-иники бор у пайвандли олма дарехти устидан хоҳ яхши ният, хоҳ ёмон ният билан ўтган бўлсалар-де, у икки пайванд тўпроқнинг бир-бирига яқин ва қондош бўлиши учун, рангу-ҳиди ва лаззатининг бир дил бўлиши учун, бир хилда меза қилиб, бир-бирдан ажралмас ва мустаҳкам биродар бўлиши учун восита бўлган экан. Бу икки пайванд устларидан ўтган барча бадбахтлик ва

тотли дамлар уларни ҳамон ўша қўлидизили, мустаҳкам, ҳаётбахш таната янада маҳкамроқ боғлар экан. Икки ўзга қалъамча худди бир ота-онанинг фарзанди қаби бир-бирининг ёнобидида улғайиб воғга етиб бораётган экан.

Тоҷик ва ўзбек халқлари ҳам худди шу икки қалъамча қаби бир-бирларига қатнашган уруғ-аймоқли бўлиб, уларнинг кўп илдили дарехти — ҳаётбахш, қадардон оналари, чегараси кўз илғамас азиз юртларидир.

Қатъий белгили бу чегара чизгани ким айтиб бера олади, ахир! Э, меҳмон, «бу ерда ўзбеклар ери тамом бўлади, буюн тожиклар юрти бўлади», деб ўйлама! Сен бунинг яхши биллиб ол ва ундан хабардор бўл! Бунинг аксини кўрсатуви чегара чизгани қаерда? Борми! Йўқ! Бу хилда аниқ ва муқаррар чегара чизгани йўқдир. Ўзбекларнинг қайси шаҳрида тожиклар яшамайди! Ёки қайси тожиклар шаҳрида ўзбеклар яшамайди! Вахш водисини ўзбеклар сиз, ёки Ферғона водисини тожик-

(ҲАФТАЛИК ХОТИРАЛАРИДАН)

ларсиз ҳеч ким тасаввур эта олмайдил! Тоғниг ўзбеклар неча асрлар мобайнида қўлга қўл бериб, жонаной икки хамсафар, қариндош-биродардилар.

Ленинбоддан Тошкентга қирқбеш минутлик йўл. Лекин, қирқ беш минутдан иборат бўлган бу қисқа ва ихчам мuddат эгзу мулоҳазалар дўстлар қошига тезроқ етиб бориш ораулар ва интизорлик билан ўлиб тошган эди. Биз билан ва бизга азиз бўлган Тошкент ўртасида, Урта Осиё ва жумладан, тожиклар диярининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда бениҳоя катта роль уйнаган шаҳар ўртасида турган бу мuddат ифтихор ва ҳаяжонлар билан қопланган эди.

Тошкент, Тоҷикистоннинг минг-минглаб қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари, ўқитувчилари, инженерларининг мактабхонаси, Тоҷикистон халқ ҳўжалигини ривожлантириш учун революциянинг дастлабки йил-

ларида майдонга отилиб чиққан минг-минглаб партия ва совет кадрларининг ўқитиб чиниктирган азиз даргоҳ.

Октябрь революциясидан кейин икки йилу ўн ой Буюроқ амбири асоратда бўлган тожиклар ўзларига ўзбек халқининг қўрсатган дўстлик ёрдамини, шунингдек, Тошкент фарзандларининг самимий кўнзганин ҳеч қачон ва ҳеч вақт унутмайдилар. Октябрь революцияси Тоҷикистон тоғларига Петроград ва Москвадан Тошкент орқали етиб келган. Ленин сўзлари, рус халқининг улугъ ёрдами, озоодлик ҳабари, оддий меҳнаткашларнинг бахту-саодати Тоҷикистон тоғларига Тошкент орқали етиб келган. Тоҷикистондаги маданий революция Тошкентнинг мактабу институтларида, университет дарсхоналарида таянган экан.

Тоҷиклар Ўзбекистон фарзандларининг, Тошкентлик биродарларининг бу ахшиликларини ҳозиргача унутганлари йўқ.

Бир тожик ёзувчиси ўз халқининг

Тошкентга бўлган меҳру-муҳаббатини изхор этиб:

— Бизнинг йўлимиз — тожиклар йўли. Москвага ҳамиша Тошкент орқали ўтади, — деган эди.

Бизлар қишлоқ ҳўжалиги машина-созлиги заводиға йўл олган вақтимида эътиборимизни янги пахта териш машиналари жалб қилди. Бу машина қисқача «ХБС—1,2» номи билан юритилди. Бу пахта териш машинани пахтакор колхозчиларнинг умули ва беминнат ердამчиси-дир. Бу машина пахта теришда қийин меҳнатни анча осонлаштирди. Бундан ҳам ахшироқ бошқа машиналар бунёда қоладиган кун узоқ эмас. Меҳанизация колхозчилар дастлабининг ҳўжмрон кучи бўлиб, эркак-ёл колхозчилар ўз билимлари ва маданиятларини янада юксак поронага кўтариш учун кўпроқ вақт топадиган кун узоқ эмас.

Бекобод шаҳридаги металлургия заводи ҳам Ўзбекистоннинг илгор корхоналаридан бири ҳисобланади. Заовд маҳсулот ишлаб чиқариш пиланини йилдан йил ошириб бажар

